

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 95 (6.584)

1988 йил 25 апрель, душанба

Баҳоси 3 тийин

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан

ҲАР КИМ ЎЗБЕКИСТОН ЭКОНОМИКАСИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ЎЗ ҲИССАСИНИ ҚЎШСИН

Ўзбекистонда меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш билан боғлиқ бўлган мураккаб вазифалар ҳақида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Тошкентда бўлган вақтида алоҳида сўз юритди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан бўлган учрашув вақтида: ҳозир республикада шундай кайфият ҳукм сурмоқдаки, агар халққа яхши программа таклиф этилса, у катта ишларга қўл уриши ва социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириши мумкин, деб таъкидлаб ўтди.

Қўйилган ана шу вазифаларни ҳал қилишда сизнинг шахсий ҳиссасингиз, бутун коллективнинг ҳиссаси қай даражада бўлади?

Владимир Одилов, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси токарлар бригадасининг бошлиғи, КПСС Марказий Ревизион комиссиясининг аъзоси:

— Ҳа, гарчи иккинчи сўзлар билан мавжуд бўлса-да, ҳали хурсанд бўлиш учун вақт эрта. Бизнинг токарлар бригадасида 8 киши ишлабди, уларнинг ҳар бирига ўзимга ишонгандек ишонаман. Биз — маслаҳатларимиз, бинабарин бир-биримизни уятга қолдиришга маънавий ҳужуқимиз йўқ.

Бизга ишимизни ҳаминча қайта қуришга тўғри келмоқда — ўнлаб номда деталга алоҳида ёндашиш талаб қилинади. Ана шундан кейин муаммолар бошланади. Биз зағатовкаларни қувончилар ва қопилочилардан оламиз. Маҳсулот етказиб бериш доим маромда бориши, учун қанчалик уринмайлик ҳозирча фойда бўлмайпти: ўзларида бор нарсаларни бермоқдалар, холос. Натияжада ҳай-баракаллачилик бошланади. Биз ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтганимизда гап-сўзга қўйишимиз мумкин.

Михаил Сергеевич меҳнат унумдорлигини барқарор ўстирмай туриб, биз туб ўзгаришларга эришолмаслигимиз ҳақида жуда тўғри гапирди. Бизда эса планларни ортиги билан бажариш фойдасиз нарсаси, деган фикр туғилди. Нима учун? Чунки иш ҳақи фондидан четга чиқиш мумкин эмас. Демак, биз ўз участкамизда зарбдорларча ишлаб, бошқа участкаларга текисчиликни мустаҳкамлашда қўмқалашар эканмизда? Шу пайтгача асосий эътиборни «ўртача процентга эришишга» қаратмоқдамиз. Ишнинг бу тарафда йўлга қўйишда илгори ҳам ҳисобланганлар умумий омма ичида кўзга қўйилма қолмоқда. Пиронид натияжага беради қараш ҳам ана шундан келиб чиқмоқда.

Бизда сменалар ичига жуда кўп вақт бекор кетмоқда. Ишчи узлуксиз усулда қурмоқ керак: бир сменаги ишлаб бўлганини, станокни зағатовалар билан бирга иккинчи сменада ишловчи кишига топиш — станокларнинг» тиш билан банд бўлиш коэффициенти ортади. бекор турниш ҳоллари қамайди. Ҳозирча бизда таннарх қимматлашиб бормоқда, станоклар сарфланган пул харажатлари ўрнини қопламайди. Ҳозирги пайтда цех техника бюроси ва план-диспетчерлик бўлими суъташлик қилаётганлиги, айниқса яққол сезилмоқда. Ҳолбуки, тегишларнинг бир маромида етказиб берилиши, анча тежамли техника, жараёнларнинг жорий этилиши аниқ шунларга боғлиқдир. Қобилиятларига шубҳам бўлмаган инженерларга эса бу нарсаси фойдали эмас: улар «ўртача миқдорда» ҳақ олади-лар. Мен эса: агар инженер қобилияти, серайрат бўлиб, қозил кишилар ишнинг яхшилаши, маҳсулот сифатини ошириши, ноубударликларини қаматириши мумкин экан, унга тегишлича ҳақ тўлаш лозим, деб ҳисоблайман.

Мусобақани тубдан қайта қуриб чиқиш ва ташкил этиш масаласини ҳам ҳал қилиш талаб этилади. Бу масалада кўпгина хатолар бор. Масалан, агар яхши ишлаб, ўз номининг кўрсаткичига, қобилияти эканлигининг исбот-лаштириши, сента ўз-ўзидан «имтиёз» бериб қўйилар, Ҳолбуки, бунда бошқача иш тутиш керак: бутун яхши ишларнинг — тахтага қайд этиб қўй, эртага ёмон ишларнинг — буни ҳам кўрсатиб қўй. Бунда кенг ошқоралиқсиз иш тутиш мумкин эмас.

Ана бир мисол. Менга кўпгина республикадан ташқарига чиқиб туриш, кўпгина кишилар билан учрашишга тўғри келади. Уларнинг Ўзбекистонда бўй бераётган воқеаларга қизиқиши зўр. Кўпчилик ишнинг моҳиятини нимада эканлигини яхши тушунади, лекин бунда шунинг ҳаминча эсда тутиш керакини, албатта, бир ҳовуч «бошқиларнинг» айби кечириб бўлмас даражададир. Шунга биноан ҳозир ҳам иккинчи ишга соғуққонлик билан қўл урса, қоридан буруққ бўлишини кўтиб ўтурса, ташаббус кўрсатмаса, ундай одам республикага иқтисодий зарар келтирибди. Ҳар қалай, бизнинг иллатиниш илдини ташаббуссизликда, ҳаракатсизликда, ўз қонунчи ҳуқуқларимиздан фойдалана билмаслигимизда эди. Лекин хатолар асосида ўрганиш керак ва уларни бундан бўён такоррамаслик зарур. Биз ишчилар эса, Ўзбекистоннинг яхши меҳнат шухратини тиклаш учун кўпимиздан келган барча чораларни кўраимиз.

Ҳақим Мусаев, «Ташметрострой» трести партия комитетининг секретари.

— М. С. Горбачевнинг нуқтаида қайта қуришнинг дастлабки босқичи асосий натижага тўғрисидаги ҳулосага эътибор бердим — биз пулни ўнлаган, илмий асосланган, келгуси ҳаракатимиз учун қонирет платформага эга бўлдик. Ҳозирги босқичда шу нарсаси мумкин, агар қарорлар тўғри бўлса (энг йирик масалалар ҳусусида ана шундай қарорлар қабул қилинган) уларни ҳаётга, амалий ишларга таътиб этиш осон бўлади.

Бунга биз ўз ишимизда яққол сезиб турибмиз. Ишларнинг кўпчилиги эмас. Тигиш ишлар мўддатига бажарилиб, маҳсулот сифати оширилди. Бу нарсаси ҳаққонлик қоритишнинг янги формалари билан боғлиқдир, бу формалар ҳар бир метро қурувчисининг қалбига жуда муносиб келиди. Бир йил мобайнида янгица усулда ишланмиш нормативдан ташқари 1 миллион сўмлик запаслардан ҳалос бўлишга, жаримлардан қутилишга ёрдам берди. Меҳнат унумдорлиги 16,1 процент, иш ҳақи эса 12 процент ортди, тўрт миллион сўмлик фойда олинди.

Жадаллаштиришга нимадлар ҳисобига эришдик? Энг муҳими — одамлар ишга бошқачароқ қарайдиган бўлиб қолдилар. Уларнинг моддий манфаатдорлиғи ошди. Ҳозир ҳар бир ишчи ўз иш жойини қадрлайди. Меҳнатни ташкил этишда ҳам туб ўзгаришлар содир бўлди. Биз қўри унумли прохотда шитларини, йирик блокни металл конструкцияларни йиғишни муваффақиятлн ўзлаштириб олдик. «Тинчлик» ва «Беруний» сингари қурилатган станцияларда анкер усулда мустаҳкамлашни қўлламоқдамиз.

Тошкент метросининг биринчи навбати қурилишида бизларга москвалик ва ленинградликлар катта ёрдам кўрсатишди. Эндиликда иккинчи тоннел отряди коллективи Москвада метро ўтиш жойи ва «Люберски» станциясини қўймоқда. Бизнинг ҳузуримизга Минск, Свердловск, Новосибирскдан сабоқ олган келишмоқда.

Лекин ҳали ҳамма резервлар тўла ишга солиналганча йўқ. Биз металл конструкцияларни йиғишга темир-бетонларга алмаштириш технологиясини сўст ўзлаштиришмоқдамиз, изоляция ишларининг сифати унчалик юқори эмас. Ана шу муаммоларни ҳал этсак, янги участкаларни анча тезроқ ишга туширган бўлув эдик. Ҳозир шунга ҳаракат қилишмоқдамиз.

(ЎзТАҒ).

ЗАМОНДОШИМИЗ



Қувончли ташвишлар

Ўз меҳнати самарасини қўришнинг гашти ўзгача бўлади. Светлана пардоздан чиқарилаётган шинам хоналарга меҳр билан тикилиб, шунинг уйида. Яқин ойларгача бу уйда монтажчилар иш олиб боришганди, энди эса бўёқчилар ишлаймоқда. Уларнинг меҳнати бир-бирига заҳирдек боғланиб кетган. Айниқса, бинокорликда сира узил-лишга йўл қўйиб бўлмайди. Чунки уй-жой қурилиши муайян суръатин талаб этадиган иш.

Светлана ўзини қўшдек енгил ҳис этади. У ўз меҳнатидан мамнун. Унинг ҳайлидан кечати қунари ўтди.

Турмуш тақозоси билан у Гулистондан Тошкентга келган эди. Бу шаҳри азиямда бўй бераётган катта ўзгаришларни кўриб қалбига бу хайрли ишларга ҳисса қўиш истағи унга тинчлик бермасди. «Ташводстрой» трестининг кадрлар бўлимида қилинган суҳбатдан сўнг унинг орзулари ушалди.

— Сизни 1-механизацияланган қўма колоннага юборамиз, розмисиз? — дейишди унга.

Уни бригаданинг илмий қарши олишди. Бу коллектив интернационал оилани эслатар эди. Қурувчилар ўртасидаги аҳиллик, ўзаро ҳамжиҳатлик ютуқларининг омилли эди.

Ушандан бўён қанча сувлар оқиб ўтмади, дейсиз. Светлана ишлайётган Дмитрий Влахогеоргеос бошчилигидаги бригада қўйлаб янги уйлари фойдаланишга топширди, ҳамшаҳарларимиз қувончига қувонч қўшди. Энди эса улар Беруний микрорайонига янги турар жой бинасини ҳам шай этиб қўйишди. Ҳадемай 40 онла бу ерда ҳовли тўйини ўтказида. Ушанда Светлананинг қувончини бир кўринг...

Р. ЗУХРИДИНОВ.

СУРАТДА: Светлана Александровна Ким.

Т. Каримов фотоси.

АХБОРОТ

Театр Қўқонга борди

Шу кунларда республикамиз маданий жамоатчилиги ўзбек инқилоб кўйисин, композитор ва драматург Ҳамза Ҳанжмазода Нўзай тўғрисида кўннинг 100 йиллиғига катта таъйёрлик кўрмоқда. Юбилей арафасида жуда кўп маданий тадбирлар ўтказилмади.

Ҳамза революциянинг дастлабки кунларида диёримизда реалистик театрга асос солган дарга ҳам ҳисобланади. Тошкентдаги йирик театрлардан бири унинг номи билан аталishi ҳам бекизи эмас. Шундай қилиб Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек давлат академик драма театри коллектив ўзининг иккинчи фаолиятида маърифатпарвар иқодиға кўп марта мурожаат қилган. Бу кекса театр сахнасида намоиш этилаётган асарлар ҳам томошабинларга манзур бўлмоқда.

Отанок театр коллективи Ҳамза юбилейи арафасида шонр воғая ет-

ган Қўқон шахрига гастрол сафарини ўноттирди. Тошкент театри сафарини Қўқондаги Ҳамза номидаги театр биносига драматург Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор» комедиясини кўрсатиш билан бошлангди. Ўзбекистон ССР халқ артисти Гани Аъзамов сахналаштирган ва бош ролни икром этаётган бу спектакл Қўқон атрафидидаги колхозларда ҳам намоиш қилинади.

Қўқонлик томошабинлар бундан ташқари «Сехрли апельсин» эртак томошасини ҳам кўрадилар.

Қўқонда 15—30 апрель кунлари бўлиб ўтадиган бу сафарда Ўзбекистон ССР халқ артистлари Икрома Болтаева, Ойдин Норбоева, Жўра Тожинов, Эркин Маликбоева, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Турғун Хонтуруев ва бошқалар қатнашадилар.

Д. МАЖИДХУЖАЕВА.

Ҳашарчилар ёрдамида

Ленин райони бўйича ўтказилган ҳашарларда мактаб ўқувчилари, ҳунар-техника билим юрти талабалари ва олий ўқув юртининг студентлари барчага ўрнак бўлишди. Улар ёрдамида 6000 туп мева ва манзарали дарахт кўчатлари, 10 минг туп яшил тўсик, 15 минг донга гул ўтказилди. Бу кўчатлар Весна кўчаси билан Сарикўл кўчаси бурчида

ташкил этилаётган янги хиббонга, Космонавтлар проспектида бунёд этилган кичик-кичик хиббонларга ўтказилди.

Ҳозир райондаги кўчаларни жорий ва капитал ремонт қилиш ишлари олиб боришмоқда. Шу кунгача 67 минг сўмлик капитал ва 17 минг сўмлик жорий ремонт ишлари адо этилди.

Оромгоҳ чиройи

Ленин комсомол номидаги маданият ва истироҳат боғи шу кунларда янада чирой очмоқда. Бу ерда 7-ремонт қўрилмиш бошқармаси азаматлари бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини олиб боришмоқда. Жўмладан «Гордострой» ремонт-қурилиш трести қўлда 1280 куб метр тупроқ ишларини бажарди. 200 метр йўл ремонт қилинди. 3 минг квадрат метр йўлга ва май-донлар асфальтланди. Қўқаламзорлаштириш бошқармаси томонидан ҳам бу ерда катта ишлар олиб борилади. 2 минг 500 квадрат метрда гулзор барпо этилди. 3 минг куб метр рангли тупроқ ётқизилди. 600 донга манзарали ўсимлик кўчатлари ўтқизилди.

Д. ОБЛАЕВ.

Кўчалар файзи

Ҳамза райони меҳнаткашлари ободончилар билан биргаликда 21 минг 794 туп дарахт кўчатлари ўтказилди. Шундан 4 минг донаси манзарали, 5 мингтаги мевали, 12 мингдан ортиғи яшил тўсиклардир. Кўчатларнинг кўпчилиги Карл Маркс, Лисенов, Жарқўрган, Оҳангарон кўчалари билан бир қаторда янги

боғнинг кириш дарвозаси ҳам ўзига хос кўрinishга эга бўлди. Жасорат монументи, яшил театр, кураш майдони, шунингдек маншнх биналар ремонтдан чиқарилиди. Айни вақтда шахмат павильони, ёзги эстрада майдони, пляжда пардозлаш ишлари ниҳосига етказилмоқда.

Бинокорлар 60 минг сўмлик иш бажариб маданият ва истироҳат боғини мўддатидан олдин фойдаланишга топширилган кўпқаватли қўл қовуштириб ўтирмай, аттракционлар, техника воситалари, қайқ станцияси ва болалар майдонларини ўзлари ремонтдан чиқаришди.

Д. ОБЛАЕВ.

Масъулиятни ҳис этиб

Набижон ака анча кекса-йиб қолган бўлсада кўчалари тинч. Деводаларга суқла-ниб боқадил. Ҳар бир қаторини, ҳар бир донга гиштини эринмай назардан ўтказида. Унинг ҳар қил одати шундай: ором билмай девор бурчачиғи кўтарди. Сўнг бажараётган ишнинг сифатини назорат қилиб боради. Чунки, қурувчилик масъу-лиятни иш. Ҳар бир бинокордан пухта, кунт билан ишлашни тақозо этади. Ҳар бир нарсига эътиборли бўлишга ундайди. Шу босишдан ҳам у ўз ишига доимо масъулият билан ёндашди.

Коммунист Набижон ака Шайдуллин кўп йиллардан бери 12-трестнинг 49-қури-

лиш бошқармасига қарашли А. Савельев бошчилиги қилаётган бетончи тўрғуви бригадасида ишлаб келмоқда. У ўзининг ҳалол ва сажамали меҳнати, маҳорати, таърибис, ишнинг кўзини билиши билан тилга тушган. Жонқуяр, ташаббускор бўлиш билан бирга у ёш қурувчиларнинг устози ҳамдир. Қўзирда бунгадда ишлайётган Носиржон Қодиров, Турғун Одилов, Гофур ўрхон каби ёш бинокорлар Набижон Шайдуллиннинг шоғирдларидир.

— Шоғирдларимнинг кўпчилиги студент-бунёдкорлар, — дейди Н. Шайдуллин. — Бундан мен фақат қувонаман. Халқимиз манзур бинолар қуриш, кол-

лективимиздаги ёшларни тарбиялаш менинг асосий бурчимдир. Набижон ака гарчанд 63 бахорини қаришганда бўлсада, ҳаёотини тетиқ, Меҳрини ишдан алмайди. Бинокорлик фаолиятини давомийда у қўрган юзлаб объектлар шаҳримиз кўринишга кўрк бағишлаб турибди.

Ҳозирги кунда бригадада Ўзбекистон кўчасида янги кафе қурилишини олиб бориляпти. А. Эшонқулов, М. Яхьянов сингари жонқуяр қурувчилар билан кекса таърибали бинокор Н. Шайдуллин ёнма-ён, зарбдорчагина меҳнат қилмоқда.

Н. ЖАКБАРОВ.
ТошДУ студенти.

Ҳайдовчилар ҳиссаси

Мурод Омонов бошчилик қилаётган бригадада ҳайдовчилар коммунистик шайбаллини уюшқоқлик билан ўтказиш ҳаракатини биринчилар қаторида қўллаб-қувватлашди. Бу коллектив бир неча йиллардан бўён ҳамшаҳарларимизни нои маҳсулотлари билан таъминлаш ишига баракали улуш қўшиб жалади. Улар меҳнатда эришган ях-

ши натижалари учун бир неча бор 3-анаткомбинат коллективни ўртасида ўтказилган социалистик мусобақа илгори бўлишган. Коллектив аъзолари шу кун асосан ўзлари тежаган ёнлиғи ҳисобига машина рулинн бошқаришга аҳд қилдилар.

Автокомбинатдаги бошқа коллективлар ҳам бу ҳара-

кати қўллаб-қувватламоқдалар. Улар шайбалли кунинда самарали меҳнат қилиб, юқори натижаларга эришш учун барча чораларни кўришаётир. Ўнлаб слесарь, ремонтчилар эса мавжуд машиналарнинг пухта ишлаши билан боғлиқ ишларини вақт-ида ҳал этиб боришмоқда.

С. СУЛТОНОВ.



© Ана шу гапнинг маъини Тошкент тўқимачилик комбинати рационализатор ва ихтирочилари яхши билишадил. Айни жадаллаштириш ва қайта қуриш даврида техника тараққиёти юксак марраларни эгаллашда муҳим омилдир. Шунинг учун корхонада энг яхши рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари учун конкурс йўлга қўйилди.

Янгида бўлиб ўтган конкурсда комбинатнинг пардозлаш фабрикаси ижодий фикр кишилари етакчи ўринни эгалладилар. Улар томонидан 80 та таклиф ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу ҳозирги кунда корхонага 80 минг сўмлик иқтисодий самара бермоқда. Ш. Назаров, С. Қокмадис, У. Собиролларнинг таклифи катта фойда келтиряпти. Унинг иқтисодий самараси 4863 сўмни ташкил этади. Мазкур

Юксалиш қаноти

ихтиро авторларига бир овоздан биринчи ўрин берилди ва 80 сўм пул мукофоти билан тақдирландилар.

Иккинчи ўринни бўйш цехининг ихтирочилари Р. Содиқов, Г. Одинова, С. Смолин-дан иборат бригада олди. Улар бўйш машиналаридидаги тилфотга ишлатилишга иш-ташма ўрнига синтетика ишлатишни таклиф этидилар. Натияжада бу янгилан 4 минг сўм иқтисодий самара бермоқда. Учинчи ўрин Д. Усмонов, Г. Аҳмедов, И. Холликов ва И. Чернишевларга берилди. Улар тоқда ишловчи дивателларни ишга тушириш схемасига ўзгариш киритдилар.

Жадаллаштириш программасига муносиб ҳисса қўшиб келётган комбинат рационализатор ва ихтирочилари айни пайтда янада қизғин изланмоқдалар.



ТАСС ВА МАРКАЗИЙ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДА

© Майдаги Франкфурт шахрида ГАРБий Германиянинг прогрессив партияси Немис тинчлик союзининг съезди очилди. Съезд делегатлари долзарб ҳаққаро муаммоларнинг кенг доирасини, энг аввало Москвадаги бўлажак олий даражадаги Совет-Америка учрашув асосида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш муаммоларини муҳокама қилмоқдалар. Анқуманда қатор социалистик мамлакатлар, шу жумладан Тинчликнинг ҳимоя қилиш Совет комитети ҳамда АҚШ, Франция, Буюк Британия, Нидерландия делегациялари иштирок этимоқда.

© Киото университетидидаги тадиқотлар марказининг ядро реактори сув билан совитиш системасидида авария оқибатида тўхтатилган эди. Уч кун муқаддам содир бўлган ана шу воқеа ҳақида кеча «Дейли иониури» газетаси хабар қилди. Ҳукумат фан-техника бошқармаси вакилининг тасдиқлашга қараганда, радиоактив таъсир кузатилмайдил. Мазкур реакторнинг сув билан совитиш системасида 13 апрель кунги ҳам худди шундай носозликлар бўй берган, аммо жарнат мазмуриги уин ўз кўчалари билан тўзатишга фармойиш бериб, воқеани ҳукуматдан сир сақлаган эди.

© Туркиянинг асосий шаҳарларида халқаро болалар байрами бўлиб ўтди. Байрам Туркия радиоси ва телевидениеси томонидан ташкил этилган эди. Уларнинг таълифига биноан бу ерда жаҳоннинг 35 мамлакатдан болаларнинг бадиий ва театр коллективлари келишди. Туркия поётахтининг спорт залидида катта концерт мазкур байрамнинг энг чўққис бўлди.

© Хиндустоннинг Панжоб шати территориясини жаҳонлаштириш хавфсизлик қучлари тўла жангавор ҳолатга келтирилган. Ана шу чора шатини мамлакатнинг қолган территориясидан эърозонлик билан ажратиб олишга ва унинг асосида «Халистон» давлати деб аталмиш давлатни ташкил этишга интилаётган синх экстремистларнинг активлиги кескин ошганлиғи муносабати билан қилинган. Утган тунда ана ўн киши улар содир этаётган жиноятларнинг қурбони бўлган.

© АҚШ маъмурияти Американинг Форс кўрфазидидаги ҳарбий-денгиз кучлари операциясини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилди, деб хабар беради ЭН-би-с телекомпанияси. Мудоффа министри, Франк Карлччи конгресс раҳбарияти хабардор қилган янги директиваларга қўра эндиликда кўрфаздаги АҚШ кемаларига чет эл байроғи остидаги ҳар қандай бетараф кемалар ҳужум қилинган тақдирда ана шу моҳирга қўшилишларига русват берилади.

Масъулият ва талабчанлик билан

Утган йили Октябрь революцияси номидagi Тошкент тепловоз ремонтни заводи СССР Тезир йўллар министрига ҳамда Тезир йўллар касба соҳаси Марказий Комитетининг кўмаги билан таъмирланди. Айни вақтда бир гуруҳда инженер-техник ходимлар, ишчи ва хизматчилар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ҳамда ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрликлари топирилди. Буларнинг ҳаммаси, албатта, революция номи билан машғур бўлган завод коллективининг фидокорона меҳнати, ички-талабчи аъёнлари саноатидан, корхона ички-хизматчиларининг жуда катта гайрат-шижоатларидан далолат беради. Утган йили 337 та тепловоз ва планга қўшимча яна учта тепловоз сифатли ремонтдан чиқарилди. Бундай хайратанароқ завод партия ташкилотини атрофига уюшган оташқалб коммунистларнинг ҳиссаси айниқас каттадир. Улар ҳар бир цех, бригада, бўлинма участкада авангардлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Аслида қайта қуриш ва жадаллаштиришнинг замирига яхши ишланган — яхши ишланган, деган ҳаётини социализмнинг принциплари кетган. Қаредан коммунистлар аҳил бўлса, улар кучи ва таъсири сезилиб турса, ўша жойда иш ҳам юришади, эришган «музлар» ҳам эриб кетаверади. Бундан бир неча йил бурун завод планларини бажаролмас, топириқлар ўлда-жулда ётар, ишчилар ҳам бамайлихотир, юринг бораёйлик — юринг кетайлик қабилида ишлайларди. Шундай бўлган, моддий манфаатдорлик ҳам ўзига яраша эди.

Партия комитети ташаббусни ўз қўлига олди. Коммунистларнинг гайрат-шижоати туртки берилди. Авангардлик ҳар соҳада сезиларли даражада орти. Т. Мидхатов, К. Г. Гиздилов, Ю. И. Ометов, С. Мирзахождов каби илгор ва етакчи коммунистларга қолоқ участкаларга ўтиб ишлаш тақдир этилди. Партия ташкилотини улар

нинг иш тажрибаларини корхонада кенг омма-лаштиришга, шунингдек коммунистларнинг партиявий-сиёсий, иқтисодий ўқишга асосий эътиборни қаратиш. Ҳар бир кишидан ушшоқлик, аниқлик, ижроичилик, қатъий тартиб-иттифоқ талаб қилинди. Булар ушшоқдорлик ва самарадорликнинг ортшишга, пиравардига моддий манфаатдорликнинг ўсишига сабаб бўлди. Коммунистлар ишга шунчаки эмас, жон-дили билан киришадиган бўлиб қолдилар. Фақат коммунистлар эмас, барча ишчи-хизматчи, инженер-техник ходимлар ҳам ишга манфаатдорлик туйғуси билан ёндоша бошладилар.

Завод коллективини шу йилнинг январь ойидан бошлаб ҳўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш системасига ўтиб ишламоқда. Очинини айтганда, ишда ҳали талайгина камчиликлар мавжуд. Партия комитетини коммунистларга таянган ҳолда уларни бартараф этишга ҳаракат қилмоқда. Бу соҳада коммунистлар аттестацияси, айниқас, қўл келмоқда. Коммунистлар аттестациясини кимнинг нимага қодирлигини кўрсатмоқда.

Навбатдаги комиссия йиғилишида шу нарсаси бўлдики, кўпгина коммунистлар ҳали ҳозирги талабларга тўла-тўқис жавоб беролмас экан. Масалан, электроташкилот цехининг бошлиғи А. А. Овчинников кўп йилдан буён партия аъзоси ҳисобланади. У раҳбарлик қилаётган коллектив корхонада илгорлар қаторида тилга олинган. Обрў-эътибори ҳам ёмон эмас. Аммо, ички дунёсига чуқур кириб боришда, унинг ишчилар билан қўпол муносабатда бўлиши маълум бўлди. У шартли равишда аттестациядан ўтказилди.

Василий Гаврилович Шмудлев электр кучларини ҳисоҳида меҳнат қиларди. Ун тўққиз йиллик партия стажини бор. Ачинларини томонини шунданки, у цех бошлиғини партия ташкилотини секретари сифатида ниҳоятда пасив, коммунист сифатида ҳам принципиал эмас. У секретарилик қилаётган

цех бошлиғини партия ташкилотини йиғилишлари жунтазам ўтказилмайдиган, ўзи иттизоми бузди. Ҳатто у аттестация шайтида ҳам қўлоқли қилиб, коммунистга ҳос бўлмаган салбий баъзиларнинг намоён эди. Қўрилиб турibdiki, бундай кишиларнинг партия сафида қолгани мумкин эмас. Комиссия аъзолари бир овоздан Шмудлевни партия сафидан чиқаришга қарор қилди.

Бу соҳада фақат коммунистларни айбдор, деб бўлмайдиган, албатта, Завод партия ташкилотини ҳам ҳанузгача ўз ишини қайта қуриб олганига йўқ. Корхонада нисос омиллини кучайтиришга, коммунистларини сиёсий жиҳатдан тарбиялашга етарлича эътибор берилмапти, ҳар бир кишининг қалбига осонлик билан йўл топиб кетишолмапти, локайдлик ва бепарволик ишга ҳалақат бермоқда.

Масалан, коммунист ишчи В. А. Доведний корхонада ҳеч қандай партия ўқувидан беҳабар, унга ҳеч қандай жамоат топиригини берилмаган, сиёсий билими кучсиз, партия ташкилотининг назаридан бутунлай четда қолган. Натижада у ҳам аттестацияда шартлилар рўйхатига тушиб қолди.

Партия ташкилотини атрофига қарийб 500 коммунист жиғиллашган, Шундан ҳанузгача 62 киши аттестациядан ўтказилди. Шунини айтиш керакки, комиссия состави талабчан, обрў-эътиборли, принципиал кишилардан ташкил топан. Ҳозирги вақтда бу иш билан ҳар бири беш кишидан иборат иккита комиссия шугулланыпти. Коммунистлар аттестацияси — масъулиятли иш. Бунда ишчи-шоҳарликка йўл қўйиб бўлмайдиган. Партия сафида фақат ҳалол ва софидил кишиларгина туриши керак. Ҳозирги иттиҳон ана шундай одамларни ажратиб олишга қўмаклашади. Заводда ҳудди шу йўлдан боришмоқда.

А. БАХОДИРОВ,
З. ХАЙДАРОВ.

Илгариги мавзуга қайтамыз

Касаба союз ҳаётидан

Телефонлаштириш ишлари қандай борапти?

Долзарб мавзуда суҳбат

«Тошкент оқшоми» газетасининг 1987 йил 24 апрель сонидида «Ҳар бир хонадонга — телефон. Бу вазифа қачон ҳал қилиниши мумкин?» сарлавҳаси остида Ўзбекистон пойтахтининг телефонлаштиришга доир аниқ тадбирлар муҳокама этилган аналитик урғушув ҳақиқиди ҳисобот эълон қилинган эди. Мақолага Тошкент шаҳрида АТСлар қурилишининг бориши ва уларнинг фойдаланишга топиришини ҳақиқда ахборот илова қилинган.

Орадан бир йил ўтди. Ана шу вақт ичиди нима-лар қилинди? Мўҳим ҳалқ ҳўжалиғи аҳамиятига эга бўлган мазкур соҳал вазифа қандай ҳал этилмоқда? Мўҳимимиз Тошкент шаҳар телефон тармоқлари бошқармасининг бошлиғи А. Ҳ. Алимов билан урғушув, ана шу каби саволларга жавоб беришни, янги АТСларнинг қурилиш ва ишга туширилиши ҳақида ҳикоя қилиб беришни илтимос қилдик.

— Муаммоларимиз «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Тошкент» газеталари редакциясида аналитик урғушувлар даврасида муҳокама қилинган кейин утган вақт мобайлида кўпгина ишлар бажарилди, — дейди Абдулла Қўсанович, 65, 98, 92, 97-автомат-телефон станциялари ишга тушди. 93 ва 54-АТСларни тўла фойдаланишга топириш ишлари тугалланмоқда. 72-АТС биноси қурилиш тугалланди. Ахил Икромов районидида 24, 25 ва 26-кварталларнинг аҳолиси белгиланган муддатда, яъни 1989 йилда телефонга эга бўлади. «Марказ — 17/18» массиви аҳолиси 1989 йилдан биринчи ярида 40-АТС абонентлари бўлишга умид бор. 63-АТС ҳам ана шу муддатларда фойдаланишга топирилади.

— Белгиланган тадбирлар ҳеч тўсиққа учрамай бажарилди, деган тасаввур ҳосил бўлади. Чиндан ҳам шундайми? — Афсуски, тўла бундай эмас. 22-АТС биноси кечикиб ишга туширилганига қарамай технология устуновларининг жадал монтаж қилинаётганлиги умид бахш этеди. Юнусобод массиви 13—19-кварталларидаги мавжуд квартираларнинг қарийб 70 процинини телефонлаштириш мумкин бўлади. 47 ва 43-АТСларда аҳоли бирмунча ташвишли. Улар учун бинолар қурилиш утган йилга планлаштирилган эди. Шунга қарамай ҳозиргача 43-АТС учун зовур қазилган ҳолос. Бу ерда ҳеч қандай ишлар олиб борилаётгани йўқ. Бу ўзидан уни фойдаланишга топириш муддатларини кейинга суради.

— 43 ва 47-АТСларда шундай аҳоли уруғда қелишга кимлар айбдор?

«Ўзбекэлектрострой» республика ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмаси (бошлиғи У. Х. Холматов) ана шу бинолар қурилишининг бош пудратчиси ҳисобланади.

— Мавжуд АТСларда устуновларини монтаж қилиш қандай борапти?

— Ўлғубек посёлоксидида АТСни ҳисобга олганда ҳаммаси план бўйича олиб борилади. Ўлғубек посёлоксидида устуновларни етказиб бериш муддатлари бузилаётганлиги са-

бу районларда телефон ўрнатиш ҳақиқиди қондирилмаган кўпгина аризалар бор. Негиз уларга телефон ўрнатиб беришмайди!

— 1988 йилнинг 1 январига келиб қондирилмаган 127780 ариза бўлиб, шулардан 93473 таси 1987 йилга қадар бериб берилган эди. Қўрида қайд этиб ўтилганида, 1987 йилга қадар берилган аризаларнинг қондирилмаган доир қабул қилинган программас АТС биносининг қурилиш муддатлари барбод бўлиб қолгани учун орқага сурилади.

— Бизга телефон ўрнатиш масалаларига доир Улғу Ватан урғуш ишчиларини ва қатнашчиларини қўллаб-қувватлаш керак. Ана шу йўналишда қандай ишлар олиб боришмоқда? Қандай қийинчиликлар бор?

— Олинмаётган шикоятларнинг аксарияти ўришли. Хизмат маданиятини ошириш, телефон ўрнатиш муддатлари тўғрисида ветеранларни ахшироқ хабардор қилиш борасида олдинкидан кўпгина ишлар турибди. Аммо уларнинг ҳаммаси шаҳар телефон тармоқлари ходимларига боғлиқ эмас.

1987 йилда ана шу йилнинг бошланғичига қадар ариза берган барча Улғу Ватан урғуш ветеранларининг квартираларини телефонлаштириш мўлжалланган эди. Аммо қатор сабабларга кўра мингдан зиёд урғуш ветеранларга телефон ўтказилмади. Масалан, Юнус-обод массивида аризаси қондирилмаган 457 киши бор. Бунга сабаб 21/24-АТСда номерларнинг йўқлиғидир. Биз кабели ўтказиб, 21/24-АТСнинг абонентлари бир қисмини 34-АТСга ўтказиш, бўшган номерлар қисбидан ветеранлар талабини қондирини мўлжаллаган эдик. Аммо Тошкент кабели заводи телефон кабеллини тўлиқ етказиб беришганига сабабли бу ишлар бажарилмай қолди. Шикоятчи Шарк Дўмбробод каби массивлардаги урғуш ветеранларнинг аризалари ҳам шунинг учун қондирилмай қолди.

Мурожаат қилишганида биз телефон нима сабабдан ўрнатишганини, қачон ўрнатилишини тушунирамиз. Аммо айрим ўртоқларим бу жавоб қондирмапти шекилли, улар шикоят қилишда деом этишмапти. Масалан, Улғу Ватан урғуш қатнашчиси В. П. Терновский телефон ўрнатилишини тезлаштиришга сўраб турли идораларга беш марта, урғуш ветерани В. И. Бойков саккиз марта мурожаат қилган. Дастлабки мурожаат қилинганда қарафил жавоб берилганга батафсил такрорий жавобларни тайёрлаш учун одамларни ишдан қондирини мажбур бўляпти.

— Телефон станцияларида бўш номерлар бўла туриб, ана

«Гордотстройремонт» трестининг қурувчи-ремонтчилари шаҳримизни ободонлаштириш ва қўлқаламзорлаштириш ишга баракали улуш қўшиб келмоқдалар. Қурилиш ташкилотининг метронинг Собир Раҳимов станцияси атрофидида олиб бораётган ишлари ҳам диққатга сазовор бўлмоқда. Бу ердаги янги йўлга ва майдончага асфальт етказилапти.

СУРАТДА: иш жараёни.

М. Нуриддинов фотолари.

Инсон омилини ўйлаб

Давр биздан автопаркдаги имкониятлардан тўла ва юқори масъулият билан бойдаланишни таъза этмоқда. Афсуски, бу борада қатор камчиликларимиз бор. Ҳўш, улар нима-лардан иборат? Коллективизмнинг айтиш аъзолари томонидан меҳнат иттизомининг бузилиши, маршуртга қўрсатилган вақтдан кечикиб қилиш, айрим автобуслар техник ҳолатининг ёмонлиғи, ҳаракат графининг бузилиши бунга мисол бўла олади. Мавжуд камчиликларини йўқотиш мақсидида, ишчиларга меҳнат ҳамда дам олишда қўлай шартлар яратиш йўлида бирмунча тадбирлар амалга оширилди. Автопарк территорияси тўла асфальтдан чиқарилди. Ҳайдовчиларимиз учун қурилатган янги манший бино ва спорт комплекси ниҳоятсига етди деб қолди.

Утган йили коллективизмдан 84 киши Ватанимизнинг турли бурчаларида мўлажлан қурут, дам олиш уйлари, санаторий-профилакторий, пансионат ҳамда туристнинг оромгоҳларида дам олиб қайтдилар. Масалан, 2-автомобиль автобус ҳайдовчиси М. Абдураҳмонов «Чортоқ» санаторийсидида, 4-автомобиль автобус ҳайдовчиси К. Исмаилов «Птигорск» санаторийсидида, 3-автомобиль автобус ҳайдовчиси Т. Раҳимов «Чимёй» санаторийсидида, 1-автомобиль автобус ҳайдовчиси С. Махсумов «Чинобод» санаторийсидида дам олдилар.

Ҳайдовчиларимизнинг юздан ортқи фарзандлари 53 давсумини турли пионер лагерларида ўтказдилар.

Ун иккинчи беш йилликнинг учинчи йили биз учун янада сермашинлидир. Чунки бу йил Бутуниттifoқ XIX партия конференцияси бўлиб ўтди. Коллективизм аъзоларидан саксондан ортқи киши уч йиллик планни 2 йил 9 ойда бажариш мажбуринини олганлар. Улар орасида маршурт автобуси ҳайдовчиси Г. Мукумов, Э. Мирзабаев, И. Гиздилов, М. Мадалиев, С. Миртулов, Ш. Холмухамедов, Б. Жалолов, Н. Ортиқовлар бор. Ремонтчиларимиздан: В. Бабакулов, Р. Назаров, Т. Носиров, А. Латфуллин, Ш. Йўлдошев ва бошқалар уларнинг ҳалол, самарали меҳнатлари билан бу улкан ишга муносиб ҳисса қўшдилар.

Ҳар кўни автобус парки дарвозасидан аҳолига маданий хизмат кўрсатиш учун ўттиз битта маршуртга 225 дам ортқи автобус чиқарилади. Улардан ўн тўрттаси бригада пулати асосида ишлайдиган пулатлиларидир. Бундай прогрессив методни қўллаш натижасида коллектив иш унуми ошди, ўз-ўзини таъминлаш даражаси кўтарилди. Автобус ҳайдовчиларининг айрим маошлари ҳам бирмунча ошди. Пассажирлардан келмаётган шикоятлар камайди. Бу мисоллар аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш иши тобора яхшиланаётганидан далолат беради.

Олдинкида турган вазифалардан бири қолган маршуртларни ҳам бригада пулати асосига ўтказишди. Бунга эса айрим маршуртларни бирлаштириш аэвизига эришилди. Корхона касабаси ошмиш қилоти ҳайдовчиларининг ўз зиммаларига олган план-топириқларини самарали бажариш ва Бутуниттifoқ XIX партия конференциясини муносиб нутқи олишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беради.

С. УМАРОВ,

3-автомобиль парки касабаси союзи комитетининг раиси.



Наргиза Икромованинг бадий буюмлар фабрикаси каштачилик цехида иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. У ўзининг тиришқонлиғи, жонқуярлиғи билан тилга тушди. Дастохонини пушта бошқариш сирларини мукаммал ўрганиб олди. Натижада ҳозирги кўнда бу комсомол аъзоси тайёрлаётган маҳсулотлар биринчи тақдирдаёқ қабул қилиб олинмоқда.

СУРАТДА: Н. Икромов.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ЕЗДИЛАР

Телетайп лентасидан

© ПРАГА. Чехословакиянинг Брно шаҳрида истеъмол моллари халқаро ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда 42 мамлакатдан 900 га яқин фирма ва ташки савдо бирлашмалари иштирок этди. Виставка павильонларида янги моделдаги кийим-кечак, уй-ўзғор техникаси, мебеллар билан танишиш мумкин бўлди. Аниқанга мувофиқ, Совет Иттифоқи энг катта экспозицияни ёйди — унда 4 мингтадан кўп маҳсулот бор эди. 48 экспонат, шу жумладан икки совет экспонати ярмарканинг олтин медалларига сазовор бўлди.

© ВАШИНГТОН. Рейган маъмурияти Форс қўрғазидида ҳарбий-денгиз операцияларини кенгайтириш масаласини қўриб чиқмоқда. «Вашингтон пост» газетасининг хабар беришича, бу ерда гап биринчи навбатда Америка ҳарбий-денгиз кучлари соқчиллиги Американики бўлмаган кема-

ларга ҳам таълуқли қилиниши тўғрисида бораётди. Мазлумки, АҚШ ҳозирга қадар Америка байроқларини тиккан Қувват танкерларигагина соқчиллик қилиб турарди. Аммо эндиликда газета маъмуриятнинг расмий ақиқаларидида олинган маълумотларга асосланиб АҚШ мудоффа министри билан Миллий ҳавфсизлик кенгаши «ихтиёрий танлаш» тикмаган кема-ларини муҳокама этмоқда.

© МАДРИД. Испаниядаги Леон вилояти беш кўмир хавазаларини ўрт ярим мингдан кўп қончиси забастовка ўтказди. Шахтёрлар энг катта касабаси союзи бирлашмалари — Ишчи комиссия-лар касабаси союзи конфедерацияси ҳамда Меҳнаткашлар ялпи уюшмасининг даъватига биноан, иш ҳақи оширил-денгиз кучлари соқчиллиги Американики бўлмаган кема-

моқда. Корхона эгалари янги меҳнат шартномасини тўзатганда ишчилар қўйган талабларини назарда тутишдан бош тормоқдалар.

© НЬЮ-ЙОРК. АҚШдаги етакчи автомобилсозлик корхоналаридан бири «Женерал моторс» 400 мингтадан кўп авто-томобилнинг ремонт қилиб беришини эълон қилди. Корпорация вақтинчалик айтиш-кутиси, ток билан таъминлаш системаси, шунингдек руль бошқармасидидаги нуқсонлар тўғрисида шундай қилишга тўғри келмоқда. Барча носолиқлар шу қадар жиддийки, «Уолл-стрит» жорнэл газетасининг сўзларига кўра, улар «ҳаракат чоғида орқага юриш узуқмасини ўзидан-ўзи ишга солиб юбориши, моторни ўт олдириши, шунингдек рулни ишлатмай қўйиши мумкин». Шу носолиқлар келтириб чиқарган аvariяларда бир неча киши жабрланди.



Исроил босқинчилари фа-ластин халқи бошига чексиз қулфат ёғдиришмоқда. Арабларнинг ўз ҳуқуқлари учун бўлган қурашларини бостир-иш мақсидида зуравонликка зўр беришмоқда. Нордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги шаҳар ва қишлоқлар қонли жанг майдонини эсла-тади.

СУРАТЛАРДА: босқинчиларнинг навбатдаги хуру-жи ва уларнинг қўрбони.

ТАСС фотохроникаси.

ЎТМИШГА САЕХАТ

ВАРШАВА. Польша пойтахтининг қўрқам Лазенко парки хибобларидида сайр қилишга одатланган аҳолига қўн-гилга ёқадиган бир ҳади қилинди. Бундан буён Лазенко хибобларида ўрта аср қареталари пайдо бўлади. Бошига шляпа қўн-дирган ва тўпигингача тушадиган қора плащ кий-ган кучер мулозамат билан қарета эшакларини сизга очиб беради. Шундан кейин эҳтиром билан таъзим қилиб, хайлаш жойига қилиб ўтиради. Юшмоқ шохди ўридик-ларга қўлай жойлашиб олганингиздан сўн ала-қачонлар унутиб юборил-ган замоналарга ҳаёлан сайр қиласиз. Қўнғини, бир неча мингтадан сўн кучер сизни яна ҳозирги воқеликка қайтариб олиб

келади. Бундай сайр ар-зон эмас — паттаси биз-нинг пулимиз билан уч-арим сўлга тўшади. Ле-кин одам қаретага ҳар-қуни тушмайди-қў. Болалар учун бу кичик саёхат уну-тилмас воқеа бўлиб қола-ди.

КЎХНА ТЕАТР ДЕХЛИ. Эрамиздан ав-валги иккинчи асрда Хиндистоннинг шарқий соҳилидаги ҳозирги Орис-са штати территорияси-да театрлар бўлган ва уларда қадимги ҳинд дра-матургиянинг пьесала-ри ўйналган. Парча дра-матургиясини институтини мухтафасслари қа-димги манбаларини си-қиклаб ўрганиб чиққан. Бхубанешвардан 8 кило-метр нарида жойлашган нишотининг қондирлар қадимги театрлар бошқа-нарсаси эмас, деган ҳуло-сага келдилар. Унн ўша за-

монда қудратли Калинга давлатининг ҳукмдорларидан бири — Харавела деган киши қўрган. У яна бир неча театр ёки уша замоналарда айтила-шича, «жатар» қўрган. Шу терминдан Орисса фольклор ижодиётида ха-нузгача фойдаланилади. Театр томонида зали билан театр сахнасиндан иборат бўлган, уларини тўртта кен-кең жайсазорлар қўришган. Театр ишо-тинин манзарали эшак-лар, устулар безаб тур-ган. Томиша залида Ка-лингга ҳукмдорлари учун махсус креслолар қўйил-ган. Бу креслоларга қим-матбаҳо тошлар қад-дан, деб таҳмин қилин-моқда.



Ўқишга марҳамат!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ
ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ

ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ

1988-1989 ўқув йилига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар хуна-техника таълими бошқармаси

С. И. СТРЕЛЬКОВ НОМИДАГИ 2-ПОЛИГРАФИЧЛАР
ЎРТА ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

БИЛИМ ЮРТИ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ФОТОНАВОР
ЭЛЕКТРОН ҚУРИЛМАЛАРИДА ИШЛОВЧИ ОПЕРА-
ТОР, КОРРЕКТОР-НАВОРЧИ, ОФСЕТ БОСМА ПЕЧАТ-
НИКЛАРИ, ЛИНОТИПИСТ, ХАРФ ТЕРУВЧИ, ПЕЧАТ-
НИК ВА МУҚОВАЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 15-18 ЎШДАГИ 8-10 СИНФНИ
ТАМОМЛАГАН ЎГИЛ ВА ҚИЗ БОЛАЛАР ҚАБУЛ ҚИ-
ЛИНАДИ.

Билим юртини тамом қилганлар тўлиқ ўрта маълумот
ва хуна-техника таълими ҳақида диплом олади.
Билим юртига қабул қилинганлар беш кийим-бош ва
3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

10-синфни битирганлар учун ўқиш муддати 1 йил бў-
либ 30 сўм миқдорда стипендия билан таъминланадилар.
9-синфни тамомлаганлар II курсга қабул қилинадилар.

Билим юртини иттифоқ диплом билан тамомлаганлар
Москва ва Лёвов полиграфия институтларига, Тошкент
тўқимачилик институтининг полиграфия бўлимига ўқиш-
га юбориладилар.

Ўқиш муддати узлуksиз меҳнат стажига киради.

Билим юртида ўқинилар ўзбек ва рус тилларида олиб
борилади.

Зарурий ҳолларда — ётоқхона берилади.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар куйидаги ҳужжатларни топ-
ширишлари керак: билим юрти директори номига ариза,
автобиография, тутилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки
паспорт (асли), маълумоти ҳақида гувоҳнома (асли), 6
дона фотосурат (3х4 см.).

Адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Нурхон кў-
часи, 21-уй (метронинг «СССР 50 йиллиги» станцияси)

37-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юрти тоқарлар ва фрезерчилар, слесарь-ремонт-
чилар, слесарь-асбобозлар, рақамли программа билан бош-
қариладиган станокларнинг операторларини тайёрлаб чи-
қаради.

Билим юртини битирган ёшлар Тошкентдаги «Сигнал»
илийиш-лаб чикариш бирлашмасига ишга юборилад.

Ўқишга ўрта маълумотга эга бўлган ва Совет Армияси
сафарида мажбурий хизмат бурчини ўтаган, Тошкент
шаҳрида яшовчи ёшлар қабул қилинади.

Елғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ.

МАШГУЛОТЛАР — ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТ-
ЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Билим юртини тамомлаган ўқувчиларга ағаллаган их-
тисси ва олган разряди кўрсатилган диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчиларга ойна 81 сўм стипендия бе-
рилади.

Ишлаб чикариш практикаси даврида ҳамма ўқувчилар-
га иш ҳақининг 50 проценти ва стипендия туланади.

Билим юртидаги ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб
ҳисобланади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш
талаб қилинади: ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, меди-
цина справкиси (286-форма), яшаш жойидан справка, 6
дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда), ариза.

Билим юрти адреси: 700156, Тошкент шаҳри, Чилонзор
массиви, Д-20 квартал, 35-уй (50, 78, 94а автобуслар; 6,
11, 19-троллейбуслар; 17-трамвайнинг «20-квартал» бека-
ти).

33-АВИАЦИЯ ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ
ЮРТИ

Учиш аппаратларининг слесарь-йигувчиси, механика-йи-
гув ишлари слесари, ремонтчи-слесарь, паричиллаб иш
бажарувчи, кенг профилдаги станокчи (токарь, фрезер-
чи, чархловчи, соғли программа билан бошқариладиган
станокларнинг оператори).

Ўқишга 8-10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БУЛ-
ГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўрта мактабни битирган ўқувчилар учун ўқиш мудда-
ти — 6-10 ой.

Билим юртини тамомлаган ўқувчиларга тегишли касб
бўйича малака олиб чиққан ҳақида диплом берилади.

Ўқувчилар ўқиш даврида 65 сўм стипендия олади.
8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш
муддати — 3 йил. Билим юртини тамомлаган уларга те-
гишли касб бўйича малака олиб чиққан билан бирга
ўрта маълумот ҳақидаги диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар ётоқхона, 3 маҳал овқат ва
иш кийими ҳам ишлаб чикариш практикаси даврида
ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 проценти билан таъ-
минланадилар.

Ўқиш муддати умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобла-
нади.

МАШГУЛОТЛАР РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА
ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини битириб чиққанлар В. П. Чкалов номи-
даги Тошкент авиация ишлаб чикариш бирлашмасига
йўлланма олади.

Билим юрти спорт базасига эга. Унинг қошида волей-
бол, футбол, сузши, бокс, эркин кураш бўйича спорт
секциялари, авиамоделчилар, бадий сўз тўғараклари,
вонал-чолу ансамбли, миллий чолу асбоблар ансамбли,
духовой оркестр, радиотўғарак, тасвирий санъат сту-
диялари ишлаб турибди.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топ-
шириш шарт: директор номига ариза, 8-синфни тамом-
лаганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки ўрта маълумот ҳақи-
даги аттестат, тутилганлиги ҳақидаги гувоҳнома
ёки паспорт, медицина справкиси (086/У форма),
6 дана фотосурат (3х4 ва 4х5 см. ҳажмда).

МАШГУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Пет-
ров кўчаси, 331-уй (30, 8, 171-автобуслар; 6, 29-трам-
вайларнинг «С. М. Кадиев номидаги билим юрти» бе-
кати). Телефонлар: 96-58-20, 96-39-72, 96-47-70.

А. АВДУРАХМОНОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ПОЛИТЕХНИКУМИ27 АПРЕЛЬ ВА 18 МАЙ СОАТ 14.30 ДА
ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ


Очиқ эшиклар кунига мактабларнинг 8-10 синф ўқу-
вчилари ва ота-оналар, шунингдек илгари мактабларни
битириб кетган ва ҳозирда техникумга кириб ўқиш хоҳи-
шини билдирган йигит ва қизлар таклиф қилинади.

Хар кун, соат 14 дан 16.00 гача техникум лаборатор-
иялари, унинг кабинетлари ва устоналари билан та-
нишиш мумкин.

Билим юрти адреси: 700060, Тошкент шаҳри, Пролетар кў-
часи 26-уй, Телефон: 33-40-89.

«ТАШГОРКООПТОРГ»—СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА!

МАЗАСИ ОЎЗИНГИЗДА ҚОЛАДИ



«Ташгоркоопторг»га қарашли Умумий
овқатланиш бирлашмасининг малакали
ошпазлари байрам дастурхони учун палов,
кабоб, корин хасиш каби таъсиқ таомлар-
ни тайёрлаб беришлари мумкин.

Бунинг учун тўй ёки юбилей олдидан
Ўзбекистон проспекти, 45-уйда жойлашган
бирлашмага 45-75-95 телефон орқали му-
рожаат қилишни маслаҳат берамиз.

Шунингдек, иссиқ оби нонлар ҳам бу-
юртмангизга бинонан уйингизга элтиб бери-
лади.

Мабодо паловни ўз қўлингиз билан пи-
ширмоқчи бўлсангиз, марҳамат. «Ташгор-
коопторг» магазинларидан тўғралган саби-
ни харид қилиб, сабини тўғраш машаққати-
дан халос бўлишингиз мумкин.

Тўғралган сабини билан савдо қилувчи
магазинларнинг адреслари:

1-магазин — Ойол бозорида,
8-«Саманган» магазини — Юнусобод

массиви, 17-квартал.
32-магазин — Қорақамиш массивидаги
бозорда.

70-магазин — Фрунзе район бозорида.
83-магазин — Авиасозлар шаҳарчасида-
ги бозорда.

86-магазин — Қорасув бозорида.
Шу магазинларнинг ўзида буюртмачи
келтирган сабини тўғраб бериш ҳам йўл
га қўйилган. 1 кг. сабини тўғраб бериш
учун 25 тийин ҳақ олинади.

Бундан ташқари, «Ташгоркоопторг»
бошқармаси саноат корхоналари, ташки-
лотлари ва қурилишлардан байрам танта-
наларида ичиқоқ хўжалик маҳсулотлари
билан хизмат кўрсатиш, гўшт етказиб бе-
риш юзасидан буюртмалар қабул қилади.
Бошқарма адреси: Жомий кўчаси, 5-уй.
Телефонлар: 48-19-20, 48-16-28.

«ТАШГОРКООПТОРГ» БОШҚАРМАСИ.

ҚЎШИҚ ШАЙДОЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!

Югославияликлар концертига марҳамат!

СИЗ «РТБ» (ЮСФР) ФИРМАСИ
ГРАМПЛАСТИКАЛАРИНИНГ САВДО-
КЎРГАЗМАСИГА ТАШРИФ БУЮРИБ,ЮГОСЛАВИЯЛИК ДУСТЛАРИМИЗНИНГ
КУИ ВА ҚЎШИҚЛАРИ БИЛАН ЯҚИН-
ДАН ТАНИШИШИНГИЗ МУМКИН.

Савдо-кўргазмаси Ўзбекистон
ЛКМС Марказий Комитетининг
«ЕШЛАР
УИИ»да (Пахтакор кўчаси,
5-уй)

27 апрель соат 15.00 дан
19.00 гача;
28 апрель соат 10 дан
15.00 гача

КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА:
29 апрелда — соат 20.00
дан 23.00 гача ЎЗГИ МАЙ-
ДОНЧАДА бўлиб ўтади.

Ўзбекистон ССР Маданият
министрлиги, Бутуниттифок
«Мелодия» фирмасининг Ўз-
бекистон грампластикалар
уйи мажмур савдо-кўргазма-
нинг ташкилотчиларидир.

ЎЗБЕКИСТОН ГРАМПЛАСТИКАЛАР УИИ.

ГУМ БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН
ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ТАВСИЯ ЭТАДИ!

МАЙ ОЛИ ХАР ХИЛ БАЙРАМЛАРГА ВОИ, УЛАР-
НИНГ БУТУН ВОРИҚИ ЯШИЛ ЛИБОС КИЙГАН БА-
ХОР МАЎСУМИГА ТЎГРИ КЕЛИШИ ҲАМ РАМЗИЙ
МАЎНОГА ЭГА

Баҳорда хотин-қизлар айниқса очилиб кетади. Байрам
либосларида улар ниҳоятда дилбар кўринади. Байрам ли-
босини эса кўркам кийим-кечак, кийимга мос эб-зийнат-
лар, муаттар атр-упаларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИН

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ТАБИИЙ ВА СУНЪИЙ ШОЙИ-
ДАН ТИКИЛГАН ҚЎЙЛАКЛАРИНИ, ҲАР ХИЛ ТА-
КИЧОҚЛАРИНИ, ЧАРМ-ГАЛАНТЕРЕЯ МАҲСУЛОТ-
ЛАРИНИ, УПА-ЭЛИКЛАРИНИ

ТАВСИЯ ЭТАДИ

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИР-
ЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.ЎЗБЕКИСТОН ССР ГОСНАБНИНГ ТОШКЕНТ
БОШҚАРМАСИ1988 йил 26 апрелдан 28 апрелгача
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

Халқ истеъмол моллари бўйича идоралараро муво-
фиқлаштириш маркази биносида

(Ҳамид Олимжон майдони, 13-аъ уй)

фойдаланилмайдиган ортиқча материаллар, асбоб-уску-
налар, комплектлаштирилмайдиган буюмлар ва бошқа маҳ-
сулотларни сотиш бўйича

ОБЛАСТ САНОАТ ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ

Саноат ярмаркасига саноат бирлашмалари, корхоналар,
ташкилотлар, колхозлар ва совхозларнинг вакиллари так-
лиф қилинади.

Ярмаркада қатнашиш фойдаланилмайдиган ортиқча
материалларни сотиш, шунингдек, зарур молларни харид
қилиш имкониятини беради.

Справналар учун телефон: 78-87-56.

Тошкент шаҳар, Акмал
Икромов районидagi 81-ўр-
та мактаб томонидан Раши-
дов Дилхирож Абдусаматов-
вич номига берилган
Д-313604 номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ
ТЎҒРИСИДАГ
АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Куйбишев районидagi А. С.
Пушкин номи 113-мактаб
томонидан Назаров Шухрат
номига берилган 718500 но-
мерли йўқолган
8-СИНФНИ ТУГАТГАН-
ЛИГИ ТЎҒРИСИДАГ
ГУВОҲНОМА
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ГУМ.
«УЗМЯСОМОЛТОРГ»
РЕСПУБЛИКА ИДОРАСИ
«ТАШХИЛАДОКМБИ-
НАТ» директори
вакант вазифасига
КОНКУРС
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Директорлик лавозимига
номзодлар махсус олий маъ-
лумотга ва тегишли мута-
хассислик соҳасида раҳбар-
лик лавозимларида камиди
5 йил меҳнат стажига эга
бўлишлари шарт.

Аризалар эълон чиққан
кундан бошлаб 15 кун мо-
байнида қабул қилинади.

Ҳужжатлар қуйидаги ад-
дресга жўнатилсин: 700072,
Тошкент шаҳри, Олтинқўл
кўчаси, 2-проезд, 115-уй,
кадрлар бўлими.

Фарғона области Ленин-
град районидagi 20-ўрта
мактаб томонидан Тиркашев
Юлдашали номига берилган
А-474082 номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ
ТЎҒРИСИДАГ
АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Озарбайжон ССР Маданият министрлиги
С. РАҲМОН НОМИДАГИ ШЕККИН ДАВЛАТ
ДРАМА ТЕАТРИМ. Ф. Охундов таваллудининг 175 йиллигига бағишлаб
28 АПРЕЛДАН 3 МАЙГАЧА ЎЗ ГАСТРОЛЛАРИНИ
ЎТКАЗАДИ

28, 29, 30 апрель, 1, 2 май кунлари соат 19.30 да
Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек Давлат
академик драма театри биносида

М. Ф. ОХУНДОВ АСАРИ

«МУСЬЕ ЖОРДАН ВА ДАРВИШ МУСТАЛИШОХ»

(2 қисмдан иборат музикали комедия)
СПЕКТАКЛИНИ НАМОЙИШ ЭТАДИ.

АСОСИЙ РОЛЛАРДА:

Мусье Жордан — Айша МАМЕДОВ
Дарвиш Мусталишох — Муҳтор ИБАДОВ.
Бек Шохбоз — Илхом АЛИЕВ.
Хотамхон ога — Рафиқ ЮНУСОВ.
Хоним Шахрибон — Қамар МАМЕДОВА.
Хонлари — Ганира МАМЕДОВА.
Куса — Фармон Абдуллаев
Кечол — Хонлар ГАШИМЗАДЕ
ИШТИРОК ЭТАДИЛАР:
Саҳналаштирувчи режиссёр — Жаҳонгир Наврузов.
Рассом — Гудрат Мамедов,
Композитор — Живаншир Кулиев,
Балетмейстер — Али Ашрафи.
Касса соат 10.00 дан очил.

ТОШКЕНТ САЁҲАТ
ВА ЭКСКУРСИЯЛАР
БЮРОСИБЕШ КҮНЛИК МАРШРУТЛАР БЎЙЛАБ
САҒАРГА ЧИҚИШ УЧУН

ПУТЁВКАЛАР ТАКЛИФ ЭТАДИ

РОСТОВ-ДОН, 16 майдан 20 майгача, 6 июндан 10
июнгача. Баҳоси — 203 сўм.
РЯЗАНЬ-МОСКВА, 28 апрелдан 2 майгача, 12 май-
дан 16 майгача, 26 майдан 30 майгача. Баҳоси — 183
сўм.

ДАУГАВПИЛС 22 майдан 27 майгача. Баҳоси —
239 сўм.
ИРПЕНЬ (Киевдан 15 км. олида), 26 майдан 30 май-
гача.

РОСТОВ-ВЕЛИКИЙ, 27 майдан 31 майгача, 5 июндан
9 июнгача. Баҳоси — 195 сўм.
ОДИНЦОВО (Подмосковье), 23 майдан 27 майгача.
Баҳоси — 193 сўм.

ЛИПЕЯ, 16 майдан 21 майгача. Баҳоси — 253 сўм.
БОКУ, 6 майдан 9 майгача. Баҳоси — 129 сўм.
ОРГЕЕВ (Кийинов бусарасида), 13 июндан 17 июн-
гача. Баҳоси — 216 сўм.

БЕНДЕРИ — «ПРИСТЕНИЯ» туристик комплекси, 2
майдан 12 майгача, 16 июндан 26 июнгача.

ХИМКИ (Подмосковье), 6 майдан 10 майгача. Баҳоси
— 194 сўм.
НИКОЛАЕВ (Одесса области), 29 апрелдан 3 майгача,
7 июндан 11 июнгача. Баҳоси — 233 сўм.

БОЛТИК БЎИИ РЕСПУБЛИКАЛАРИ БЎЙЛАБ
КЛАЙПЕДА, 16 майдан 25 майгача.
ИГНАЛИНА-КАУНАС, 24 майдан 2 июнгача.
АЛИТУС-ПАНЕВЕЖИС, 3 майдан 10 майгача, 14
июндан 21 июнгача.

ВИЛЬНОС-СВЕТЛОГОРСК, 6 майдан 18 июнгача.
ТАРТУ-КАУНАС, 2 майдан 13 майгача, 9 майдан 20
майгача. Баҳоси — 315 сўм.

КАЛИНИНГРАД-ПАНЕВЕЖИС, 6 июндан 18 июн-
гача. Баҳоси — 349 сўм.
НАРВА-ПАНЕВЕЖИС, 22 майдан 2 июнгача. Баҳоси
— 361 сўм.

ШАУЛЯИ-ПАЛАНГА, 2 майдан 15 майгача. Баҳоси
— 375 сўм.
ВАЛГА-РИГА, 22 майдан 30 майгача. Баҳоси — 315
сўм.

ДРУСКИНИКАИ, 18 майдан 29 майгача. Баҳоси —
274 сўм.

РСФСР, УКРАИНА БЎЙЛАБ:

«ЦЕН»-«КАХТИСАР» туристик базалари, 1 июндан
21 июнгача.
КОСТРОМА — «СОСНОВИЙ БОР» туристик базаси,
28 майдан 11 июнгача.

ИРКУТСК — «МАЛОМОРСКАЯ» туристик базаси,
15 июндан 27 июнгача.
БРАТСК-ИРКУТСК-«ПЕСЧАНАЯ» туристик базаси,
5 июндан 16 июнгача.

ОЗЕРИ (Подмосковье) меҳмонхонаси, 1 июндан 10
июнгача.
ИВАНОВО-МОСКВА, 24 майдан 30 майгача. Баҳоси
— 248 сўм; 28 июндан 4 июлгача.

БЕРДЯНСК, 21 майдан 4 июнгача.
ТОЛЬЯТТИ — «ЖИГУЛИ» туристик базаси, 2 июндан
16 июнгача.

ТИРАСПОЛЬ, 4 майдан 13 майгача. Баҳоси — 263
сўм; 11 июндан 20 июнгача.

АРХАНГЕЛЬСК-«БЕЛОМОРСК ТУНЛАРИ» УЛКА-
СИ» — «БЕЛОМОРСКАЯ» туристлар меҳмонхонаси, 26
июндан 10 июлгача.

ПЕТРОВЗОВДСК-НАРВА, 9 майдан 20 майгача. Ба-
ҳоси — 383 сўм.
ДРАГОВИЧ, 15 майдан 3 июнгача. Баҳоси — 387 сўм.

«ВОРОНЕЖ-СПУТНИК» туристик комплекси (бола-
лик ота-оналар учун), 1 июндан 20 июнгача.
«КИЗИЛ-АЗАС» туристик базаси, 26 июндан 8 июл-
гача.

ТУЛА-«АЛЕКСИЙ БОР», туристик базаси, 6 июндан
25 июнгача.
ОДЕССА, 26 майдан 9 июнгача. Баҳоси — 284 сўм;
1 июндан 15 июнгача. Баҳоси 294 сўм.

КАВКАЗ БЎЙЛАБ, ДЕНГИЗДА САҒАР:

БОРЖОМИ, 5 июндан 25 июнгача.
«КАХЕТИЯ-КАВКАЗСИОНИ» туристик базаси, Ба-
туми, 15 майдан 3 июнгача, 4 июндан 23 июнгача.

ЕВПАТОРИЯ (меҳмонхона), 17 майдан 27 майгача.
Баҳоси — 341 сўм.
СОЧИ, 14 майдан 3 июнгача. Баҳоси — 330 сўм.

СЕВАСТОПОЛЬ (хусусий сектор), 15 майдан 25 май-
гача. Баҳоси — 252 сўм; 12 июндан 22 июнгача.
МХЕТА-СУХУМИ (хусусий сектор), 9 майдан 2